

**Жамият томонидан 2016-2019 йил якуни бўйича
хисобланган дивиденд тўловларининг бориши ва амалга оширилаётган
чора-тадбирлари тўғрисида 2021 йил биринчи чорак якуни бўйича
ХИСОБОТИ**

31.03.2021 йил ҳолатига

Жамиятнинг дивидендларни тўлаш тартиби 2016 йил 28 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “«ВЮКИМУО» АЖ нинг дивиденд сиёсати тўғрисида”ги низомига асосан амалга оширилади. Жамиятнинг хисобланган ва тўланган дивидендлари тўғрисидаги барча маълумотлар расмий веб-сайтда ошкор қилинган. (Маълумот илова қилинади)

«ВЮКИМУО» АЖ акциядорларига хисобланган дивидендларни тўлаш кузатув кенгашининг тавсиясига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари билан пул кўчириш ва пластик карточкаларга пул ўтказиш йўли билан белгиланган муддатларда амалга оширилган.

Жамият талаб қилиб олинмаган дивидендларнинг тўловини уч йил муддат ичида давом эттиради.

Жамиятга почта ўтказмалари орқали ўтказилган, лекин корхона ҳисобига қайтарилган дивидендларнинг алоҳида ҳисоби олиб бориляпти.

Акцидорлар ёки уларнинг ҳуқуқий вориси мурожаат этган вақтдан ҳисобда турган дивидендлар акциядорга бериб борилади.

**Охириги 2016-2019 йил якунлари бўйича тўланган дивидендлар тўғрисида
маълумотлар**

Жамият акциядорларининг 2017 йил 15 июндаги умумий йиғилиши қарори билан **2016 йил якуни бўйича** олинган соф фойданинг 50% фоизи ҳисобидан 2 213 896 000 сўм, жумладан 221 389 600 сўм 10 % солиқ ва 1 992 506 400 сўм тўланиши зарур бўлган дивидендлар хисобланган. Бунда ҳар бир акцияга 1 550 сўм миқдорда дивиденд хисобланган ва тўлаш муддати 2017 йил 14 августгача акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан пул кўчириш ва пластик карточкаларга пул ўтказиш йўли билан белгиланган.

2021 йил 15 январь ҳолатига жамият ҳисобида 2016 йил якунлари бўйича дивидендлари жамият ҳисоб рақамига қайтарилган, яъни талаб қилиб олинмаган дивидендлар 30 119 600 сўмни ташкил қилди. Жамият акциядорларининг 2021 йил 15 январдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан даъво муддати тугаганлиги сабабли 29 394 200 сўм талаб қилиб олинмаган дивидендлар жамият даромади ҳисобига олинди.

Жамият акциядорларининг 2018 йил 15 майдаги умумий йиғилиши қарори билан **2017 йил якуни бўйича** олинган соф фойданинг 40% фоизи ҳисобидан 2 642 392 000 сўм, жумладан 264 239 200 сўм 10 % солиқ ва 2 378 152 800 сўм тўланиши зарур бўлган дивидендлар хисобланган. Бунда ҳар бир акцияга 1 850 сўм миқдорда дивиденд хисобланган ва тўлаш муддати 2017 йил 15 июлгача акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан пул кўчириш ва пластик карточкаларга пул ўтказиш йўли билан белгиланган.

2021 йил 1 апрель ҳолатига жамият ҳисобида 2017 йил якунлари бўйича 38 115 000 сўм дивидендлари жамият ҳисоб рақамида ҳисобда турган бўлиб, шундан 2021 йил давомида 999 000 сўм дивиденд мурожаат қилган акциядорларга ўтказиб берилди.

Жамият акциядорларининг 2019 йил 27 июндаги умумий йиғилиши қарори билан **2018 йил якуни бўйича** олинган соф фойданинг 50% фоизи ҳисобидан 4 399 225 600 сўм, жумладан 215 702 333 сўм 5 % солиқ ва 4 183 523 267 сўм тўланиши зарур бўлган дивидендлар хисобланган. Бунда ҳар бир акцияга 1 540 сўм миқдорда дивиденд

хисобланган ва тўлаш муддати 2019 йил 28 августгача акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан пул кўчириш ва пластик карточкаларга пул ўтказиш йўли билан белгиланган. Дивидендлар ўз муддатида ўтказиб берилди.

2021 йил 1 апрель ҳолатига жамият ҳисобида 2018 йил якунлари бўйича дивидендлари 2020 йил 26 августда жамият ҳисоб рақамига қайтарилган, яъни талаб қилиб олинмаган дивидендлар 54 890 297 сўмни ташкил қилди. 2021 йил давомида 1 755 600 сўм дивиденд мурожаат қилган акциядорларга ўтказиб берилди. Дивидендларнинг даъво қилиш муддати **2023 йил 1 сентябрда тугайди.**

Почта хизмати ёрдамида юборилган дивидендлар сабаблари кўрсатилган ҳолда жамият ҳисобига қайтарилган тақдирда ҳар бир акциядорга ёки меросхўрига реестрдаги манзиллар бўйича хат-хабарлар юборилди.

Жамият акциядорларининг 2020 йил 26 июндаги умумий йиғилиши қарори билан **2019 йил якуни бўйича** олинган соф фойданинг 85% фоизи ҳисобидан 12 723 474 560 сўм, жумладан 650 193 583,80 сўм 5 % солиқ ва 12 073 280 976,20 сўм тўланиши зарур бўлган дивидендлар ҳисобланган. Бунда ҳар бир акцияга 4 454 сўм миқдорда дивиденд ҳисобланган ва тўлаш муддати 2020 йил 25 августгача акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан пул кўчириш ва пластик карточкаларга пул ўтказиш йўли билан белгиланган.

2020 йил 31 декабрь ҳолатига жамият ҳисобида 2019 йил якунлари бўйича дивиденд давлат улуши бўйича тўлиқ тўланган ва 5 908 784 632 сўм дивиденд жорий йилнинг 25 августигача ўз муддатида тўлаб берилди.

2019 йил якунлари бўйича талаб қилиб олинмаган дивидендлар 1 823 913 сўмни ташкил қилган.

2021 йил 1 апрель ҳолатига жами қайтарилган талаб қилиб олинмаган дивидендларнинг миқдори **94 829 210 сўмни** ташкил қилди.

Ундан ташқари жамиятнинг расмий веб-сайти ва Корпоратив ахборот ягона портали openinfo.uz, Республика фонд биржасининг uzse.uz сайтларида талаб қилиб олинмаган дивидендлар тўғрисида ва акциядорларнинг рўйхати эълон қилинган.

Қимматли қозғозлар бўйича мутахассис М.Каратаева